

**БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o'g'li**

**Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g'li**

*Toshkent moliya instituti o'qituvchilari*

**Mavlonov Doston Mavlon o'g'li**

*Toshkent moliya instituti 2-OT 4-bosqich talabasi*

**Аннотатсия:** Мақолада бюджет-солиқ сиёсатининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** молиявий сиёсат, бюджет-солиқ сиёсати, солиқлар, бюджет.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни яратишга қаратилган изчиликтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ислоҳотлар стратегияси давлат иқтисодий сиёсатининг кенг қамровли дастакларини ўз ичига олади. Манашундай дастаклардан энг муҳимларидан бири-давлатнинг изчил молиявий сиёсати ҳисобланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат молиявий сиёсатини олиб бориш ва иқтисодни молиявий тартибга солиш муаммоларига алоҳида этибор берилади.

Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий рол ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда у жамиятолдида турган вазифаларни бажариш шароитларини таминлаб, иқтисодий манфаатларга тасир кўрсатадиган қурол сифатида намоён бўлади. Молиявий сиёсатнинг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга.

Молиявий сиёсатни профессорлар А.В.Ваҳобов ва Т.С.Маликовлар қуйидагича тарифлаганлар: “Такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш ва узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий ресурслар билан таминлаш учун ижтимоий бойликни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларигаё'налтириладиган мақсад ва вазифаларнинг ечилишини аниқлашга молиявий сиёсат дейилади”<sup>12</sup>. Молиявий сиёсатнинг хусусияти бўйича профессор Т.С.Маликов ва П.Т. Жалиловлар қуйидаги фикрни билдирганлар: “Молиявий сиёсатнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, у мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ва иқтисодий муваффақиятларга узлуксиз равишда тасир кўрсатиб туришга

<sup>12</sup> Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik /Toshkent Moliya instituti. -Toshkent: “Noshir”, 2011-712 б..

йўналтирилган бўлиши керак”<sup>13</sup>.

Молиявий сиёсатга қуйидагича бошқа тариф ҳам бериш мумкин: молиядан фойдаланишнинг методлари, уни ташкил қилишнинг амалий шакллари ва методологик принципларининг мажмуига (йиғиндисига) молиявий сиёсат дейилади.

Айрим ҳолларда молиявий сиёсат давлатнинг ўз функцияларини бажариши-учун молиявиймуносабатлардан фойдаланиш билан бог'лиқ бўлган давлат органларининг малум бир фаолиятисифатида талқин қилинади. Бундай талқин о'зида бир неча хавфни мужассам этади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, э нг аввало, ҳар бир мамлакатнинг Конституциясива бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳидаҳокимият органлари функцияларини белгиловчи бошқа қонунлармажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан катта иш бўлишига қарамасдан бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига тегишли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун бюджет жараёнида ҳокимиятдаги қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, мамлакат субектлари функцияларини, бюджет федерализми принципларини, бюджет жараёни субектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва ҳ.к.ларни аниқ белгилаши керак. Бироқ бюджетсиёсати шу билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджетда тўпланадиганялпиичкимаҳсулот ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуйи органлари муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар о'ртасида харажатларни тақсимлашда, давлатқарзини бошқаришда, бюджет дефитситини қоплаш йўллари аниқлашда ифодаланади.

Бюджет сиёсати – бюджет муносабатларини ташкил этиш тамойилларининг бажарилишини тامينлаш, давлат ва жамият олдида турган мақсад ва вазифаларни давлат бюджети орқали амалга ошириш усуллари, чоратадбирлари ва мақсадли фаолиятлари йиғиндисидир. Бюджет сиёсати давлат ва жамият ривожланишининг турли босқичларида турлича бўлиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига қараб ўзгариб туриши мумкин. Бюджет сиёсати:

1. бюджет даромадлари бўйича сиёсат;
2. бюджет харажатлари бўйича сиёсат;
3. давлат кредити сиёсати;
4. бюджет тақчиллигини бошқариш сиёсати;
5. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш сиёсати

кабиларнинг уйғунлиги асосида амалгаоширилади.

Демак, бюджет сиёсати – давлат молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, умумдавлат молиявий ресурсларини (манбаларини) шакллантириш ва жалб этиш, тақсимлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга қаратилган

<sup>13</sup> Malikov T.S., Jalilov P.T. Byudjet – soliq siyosati. – T.: Sharq. 2011 - 472 b

давлатнинг чора-тадбирлари ва асосий йўналишлари йиғиндиси. Бюджет сиёсатининг асосий мақсади – жамиятда яратилган бойликлардан иборат.

Солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Солиқ сиёсати – давлатнинг солиққа тортиш тизими борасидаги фармон, қонун ва қарорларини давлат иқтисодий сиёсатига мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижросини тامينлашни ташкил қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, фаолиятлар йиғиндиси.

Давлат солиқ сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга фаол тасир этиши лозим.

Бинобарин, солиқ сиёсати - бу нафақат солиқ қонунларининг автоматик бажарилиши, балки уларнинг такомиллашувидир.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига асосий этибор қаратилади:

- ✓ солиқларнинг фискалик даражасини камайтириб бориш;
- ✓ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятига қулай имконият ва иқтисодий шарт-шароит яратиш; бозорга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштириш;
- ✓ давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазифаларини бажариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни яратиш;
- ✓ иш билан бандлик муаммосини бартараф этишга шароитлар яратиш, кам тامينланганларга ёрдам бериш;
- ✓ аҳоли турмуш даражасини яхшиланишини тامينлаш, солиққа тортилмайдиган минимумларни иқтисодий ривожланиш даражаси ва имкониятларига қараб ошириб бориш;
- ✓ “Истемол саватчаси” га кирувчи моддаларни кўпайтириб бориш ва бошқалар.

Давлат солиқ-бюджет сиёсатининг стратегик вазифаси давлат маблағларини тузилмавий қайта қуришни, иқтисодий мустақилликни ва охири-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини тامينлаш учун ривожланётган бозор иқтисодиёти ва унинг инфратузилмасига мақсадли тасир кўрсатишга йўналтиришдан иборат. Бу эрда бюджет-солиқ сиёсати деганда, давлатнинг бюджет даромадларини оптимал шакллантириш ва давлат харажатларини ратсионализатсия қилиш учун солиқ олишни такомиллаштириш соҳасидаги сиёсати тушунилади.

Айни пайтда солиқ-бюджет сиёсати ишчлаб чиқаришни ўстиришга вайнинг самарадорлигини оширишга, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш мақсадида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларини кўпайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бюджет-солиқ сиёсатининг хусусияти шунданиборатки, у нафақат давлатнинг даромадлар базасини тامينлаш ва келибтушган пул маблағларини харажат қилиш, балки жамиятда

макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражасини, аҳолининг оптимали бандлигини тامينлаши зарур.

Солиқ-бюджет сиёсати тор манода макроиқтисодий барқарорлик вামустаҳкам иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни тامينлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва босқичма-босқич валюта бозорини еркинлаштириш, аҳолининг барқарор моддий фаровонлигини тامينлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш каби умумдавлат макроиқтисодий вазифаларни тامينлашга йўналтирилган.

Солиқ-бюджет сиёсати амалиётда амалга ошириш нуқтаи назаридан бирламчи вазифалар ўртасида туғри мувофиқликни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, бюджет-солиқ сиёсати

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ-бюджет сиёсатининг асосий вазифалари иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнининг пасайиб кетишига юл қўймаслик, яни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга юналтирилган чоратadbирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун солиқ сиёсати соҳасида солиқ ставкаларини пасайтириш, янги инвестициялар учун солиқ имтиёзларини бериш, тезлаштирилган амортизатсияни қўллаш каби тadbирлар амалга оширилади.

Ўзбекистондаги солиқ-бюджет сиёсатининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

6. ҳукумат ижтимоий-иқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро боғланилганлиги ва бир-бирини тўлдириши;

7. солиқ-бюджет сиёсатининг макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий юксалишни рағбатлантиришга эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтириши;

8. солиқ йиғимини оқилона усулда ташкил этиш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролин тامينлаши;

9. бюджет харажатларининг ижтимоий мақсадларга йўналтирилиши.

Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати солиқларни камайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг даврий тушишини бартараф этиш ёки давлат бюджети харажатларини оширишга йўналтирилган бўлади. Чегараловчи солиқ-бюджет сиёсати эса, солиқларни ошириш ҳисобига инфляция даражасини пасайтириш ёки давлат харажатларини қисқартириш ва иқтисодиётнинг даврий кўтарилишини чегаралашга йўналтирилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ-бюджет сиёсати мамлакат молия тизимининг асосини ташкил этади. Мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни туғри йўналтириш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тامينлашда солиқ-бюджет муносабатларининг яхлитлигига эришиш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни тامينлашга, самарали солиқ ва бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:**

1. Т.Маликов, Н.Хайдаров. Давлат бюджети. Т.: "IQTISOD-MOLIYA, 2007
2. Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g, Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o'g'li, Kamolov Maqsudjon Murodullo o'gli. Davlat xaridlarini tashkil etishda korrupsiyaga qarshi kurash. Journal of Universal Science Research, 2023/9/22
3. Samadov Ortiq, Muzaffarov Mukhammadjon. Analysis of the Participation of the Republic of Uzbekistan in the Processes of International Economic Integration. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 2023/5/13
4. Muhammadjon Muzaffarov. Davlat xaridlarini tashkil etish shakllarining o'ziga xos xususiyatlari. Science and Education, 2022/12/31
5. O'roqov Uchqun Yunusovich, Moyliyev Murod Baxtiyorovich, Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o'g'li. Mamlakat investitsiya jozibadorligini oshirish orqalixalqaro kapitalni jalb qilish masalalari. "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842 June 2022 / Volume 3 Issue 6
6. Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g, O'sarov Javohir Bahodir o'g. AKSIYADORLIK JAMIYATLARINING KORPORATIV MOLIYAVIY STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISHNING NAZARIY-HUQUQIY ASOSLARI. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 2023
7. У.А. Ортиков Ойбек Хамлетов. ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ ЭКО-INNOVACIJ OSNOVY I OPYT VEDUSHCHIH STRAN. «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» 2023/06/03
8. Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g'li, Xasanov Jaxongir Jamshidovich. KORXONA RESURSLARINI BOSHQARISH TIZIMI (ERP) ORQALI BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH. World of Science, 2023
9. Улуғбек Ортиқов, Жаҳонмирзо Мирзахалимов. КОРХОНАЛАРДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИ. Академические исследования в современной науке, 2023
10. УА Ортиков, СИ Қўчқоров. ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ ЭКО-INNOVACIЙ ОСНОВЫ И ОПЫТ ВЕДУЩИХ СТРАН. оности образования: исследование в XXI веке, 2023
11. Улуғбек Ортиқов, Суннат Эсанбеков. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. Academic International Conference on Multi-Disciplinary Studies and Education, 2023
12. Ulug'bek Ortiqov, Yulduz Nasimova. RISKNI BARATARAF ETISHDA B2B BIZNES MODELINI QO 'LLASH MEKANIZMLARI. Наука и инновация, 2023
13. Ulug'bek Ortiqov, Ismoil Ismoilov. RAQAMLI IQTISODIYOTNI JORIY ETISH SHAROITIDA KORXONALAR MOLIYAVIY HOLATINI TAHLIL ETISH. Наука и инновация, 2023

14. Sharifov Umid Ashur o'g'li Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g'li BYUDJET IJROSINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI. «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №10

15. Namozov Feruzbek Ashurovich Ortiqov Ulug'bek Akrombek o'g'li. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA BOZORLARIDA UCHRAYOTGAN MUAMMOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH. «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» УДК 37 ББК 94

16. Ортиков У.А. Жиянова Н.Э. СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ. ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ, 2020

17. УА Артиков, НЕ Джиянова. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. ББК У. Ят31+ Ч34Я431 А 43